Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 131 (5722)
10 ИЮНЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

8 июнь кунн Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда тугалловчи йил ва умуман беш йиллик планларнини муддатидан илгари бажариш, республика халқ хўжалигини 1985—1986 йиллар кўз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш борасида партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг вазифаларн муҳокама қилинди. Кенгашда область партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ва область ижроия комитетларининг раислари, министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналарнинг раҳбарлари, касаба союз ва комсомол комитетларининг, халқ контроли органларининг ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи билан кенгашни очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров доклад қилди. Докладни муҳокама қилишда «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи А. Р. Отажонов, Тошкент область партия комитетининг секретари В. Г. Гордиенко, республика уй-жой ва коммунал хўжалик министри А. Н. Илюхин, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрининг биринчи ўринбосари М. С. Тошпўлатов, Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи Н. А. Белогуров иштирок этдилар.

Кенгашда қайд этиб ўтилганидек, республика саноати маҳсулот реализация қилиш беш йиллик планини 101 процент бажарди, пландан ташқари 81,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Январь-апрель ойларида ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати 4,9 процентдан 6,2 процентгача, меҳнат унумдорлиги эса 2 процентдан 3,3 процентгача ошди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш топшириғи ортиғи билан адо этилди, планга қўшимча равишда 19 миллион сўмлик шундай моллар тайёрланди. Капитал қурилишда ўтган йилга нисбатан капитал маблағларни ўзлаштириш уй-жойларни фойдаланишга топшириш суръатлари сезиларли ошди.

Ҳозир меҳнат коллективларининг, ташкилотлар ва муассасаларнинг куч-ғайратларини КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг йўл-йўриқларини амалга оширишга қаратиш зарурлиги уқтириб ўтилди. Ҳозирги вақтда энг асосий вазифа ишни ҳар ўн кунда, ойма-ой яхшилаб боришдан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин вужудга келган ижобий жараёнларни актив ривожлантиришдан иборат. Йиллик планлар ва социалистик мажбуриятларда кўзда тутилган ўсиш суръатларига қисқа муддатларда эришмоқ керак. Корхоналар, қурилишлар, транспорт, Ўзбекистон бутун халқ хўжалигининг бир маромда ишлаши учун барча шарт-шароитни яратиш керак. Бу эса йил охиригача қолган етти ойда (шундан икки ойи кузги-қишки даврга тўғри келади) белгиланган ишларнинг ҳаммасини бажариш имконини беради. Янги беш йилликнинг бошланиши — 1986 йилнинг қиш ойлари ҳамма тармоқларда ишнинг юксак натижалари билан нишонланиши ҳақида олдиндан ғамхўрлик қилиш ҳам жуда муҳимдир.

Шу муносабат билан кенгаш қатнашчилари халқ хўжалигини кузги-қишки шароитларда ишлашга олдиндан тайёрлаш тадбирларига алоҳида эътибор бердилар. Сўнгги йилларда Ўзбекистонни энергия, газ, иссиқлик билан таъминлаш анча кўпайганлиги таъкидлаб ўтилди. Масалан, беш йиллик бошидан буён электр энергияси истеъмол қилиш 24 процент, иссиқлик энергияси истеъмол қилиш 32 процент, газ — 41 процент кўпайди. Бироқ сўзга чиққан нотиқларнинг таъкидлаб ўтишларича, совуқ тушиши билан ҳозир ҳам чигалликлар вужудга келаётганлигини ва улар халқ хўжалигини ривожлантиришга салбий таъсир қилишини тажриба кўрсатиб турибди. Ўтган қишнинг сабоқлари далолат беришича, булар яхши тайёргарлик кўрмасликнинг оқибатидир. Тошкентда, республиканинг бошқа кўпгина шаҳарларида квартиралар яхши иситилмаётганлиги, газ билан таъминлашдаги узилишлар борасида аҳолидан кўплаб шикоятлар тушди. Бир қанча министрликлар ва идоралар, Тошкент шаҳар ижроия комитети, бошқа бир қанча маҳаллий Советлар ижроия комитетлари раҳбарларининг нуқсонларга йўл қўйганлиги ва интизомсизлиги ана шундай оқибатларга сабаб бўлди.

Шу сабабли камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш учун ҳозир, ёз пайтида энг таъсирчан чораларни кўриш лозим. Саноат, қурилиш, транспорт корхоналари, уй-жойлардан фойдаланиш хўжаликлари, иссиқлик-энергетика хизмати коллективлари ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар ичида сира кечиктириб бўлмайдиган вазифа қишда ишлашга юксак даражада тайёргарликни таъминлашдан иборат. Кўпгина маҳаллий Советлар, бир қанча министрликлар ва идораларнинг коллегиялари тегишли тадбирларни белгилаб, ҳозир амалга оширмоқдалар.

Кенгашда кўрсатиб ўтилганидек, ана шу тадбирларни амалга оширишда иссиқлик-энергетика комплекси объектларини: Янги Ангрен ГРЭСи иккинчи блокини, Муборак ТЭЦида иккинчи буғ қозони ва турбогенераторни, янги газ қувурларини, «Ангрен» кўмир конида йилига 700 минг тонна кўмир қазиб чиқариладиган ва ишга туширилувчи иккинчи комплексни ўз вақтида фойдаланишга топшириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, 1 октябрга қадар иссиқлик электр станцияларида кўмир ва мазут запасларини ғамлаб қўймоқ керак.

Саноатда иссиқлик энергиясининг нобуд бўлишини камайтиришга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Иссиқлик тармоқларини, иситиш системаларини, вентиляция ва иссиқ сув таъминотини олдиндан тартибга солиш, ишлаб чиқариш ва маиший бинолорни иситиш керак. Қурилишда совуқ тушгунга қадар тупроқ ишларини асосан тугаллаш, инженерлик коммуникацияларини ётқизишни, объектларга борадиган вақтинчалик ва доимий йўллар қуришни тугаллаш, пардозловчиларнинг ишлашлари учун нормал шароит яратиш тўғрисида ўз вақтида ғамхўрлик қилиш лозим. Қурилиш индустрияси корхоналарининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш — норуда материалларни ғамлаб қўйиш, транспортерларни иситишни йўлга қўйиш ҳам жуда муҳимдир. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида кўп иш қилишга тўғри келади, чунки, экономика ҳамма тармоқларининг бир маромда ишлаши кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун қишлоқда барча хўжаликларда чорвачилик фермаларини, озуқа цехларини, сут блокларини сира кечиктирмай ремонт қилишга киришмоқ лозим. Ҳар бир сутчилик фермаси ҳузурида иссиқ, яхши жиҳозланган маиший хона бўлмоғи зарур. Қишлоқ хўжалик машиналарини сақлаш учун омборларни ва бостирмаларни тартибга солиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш талаб этилади.

Кенгашда уй-жой фондини кузги-қишки даврга тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Биноларни капитал ва жорий ремонт қилишда ҳамма иш ҳажмини ўз вақтида бажариш зарурлиги, подваллар ва чордоқлар, зина майдончалари иситилишини таъминлаш, иситиш ва сув таъминоти системаларини профилактик мақсадларда кўздан кечириб чиқиш ва созлаш зарурлиги уқтириб ўтилди. Мактабларни, ҳунар-техника билим юртларини, болалар боғчаларини, даволаш муассасаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш тўғрисида мумкин қадар кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозим.

Тошкентни иссиқлик ва газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш энг муҳим вазифадир, деб таъкидланди кенгашда. Ҳеч бир истисносиз барча уй-жой массивларини, ҳамма уй-жойларни, ҳар бир квартирани иситишда, иссиқ сув етказиб беришда тартиб ўрнатиш юзасидан узил-кесил чораларни кўриш керак. Бунинг учун шаҳар қозонхоналарида янги қувватларни, 19 километрлик иссиқлик тармоғини ишга тушириш, 11 минг квартирада девордан ва полдан иситиш системаси ўрнига радиаторлар ўрнатишга тўғри келади.

Министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари пайсалга солмай, кузги-қишки даврга тайёргарликни ташкил этишлари лозим. Бу ишда ҳамма нарса муҳимдир. Лекин энг муҳими — вақтни бой бермасликдир.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлар иштирок этдилар.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

Сўз—ташаббускорларга

ҲАММАНИНГ ВА ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ



Республика ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини йигирма етти зарбдор ўн кунлик билан нишонлаш борасидаги даъвати В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида юксак кўтаринкиликни вужудга келтирди. Қимматли ташаббусни корхонанинг минглаб илғорлари маъқулладилар. Ана шу ташаббусни биринчилардан бўлиб токарлар бригадири, бирлашма партия комитетининг аъзоси, ВЦСПС аъзоси, III даражали Меҳнат Шуҳрати орденининг кавалери В. Т. Одилов қўллаб-қувватлади. У бошлиқ бригада партия анжумани шарафига 1986 йилнинг биринчи квартали план топшириқларини съезд очиладиган кунга қадар бажариш, тўрт кун мобайнида иқтисод қилинган хом ашё ва материаллар ҳисобига ишлаб беришдек юксак социалистик мажбурият қабул қилди. Бугун Владимир Тўйчиев меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари ҳақида ҳикоя қилади. Бригада юксак социалистик мажбуриятларини ана шу омиллардан фойдаланиб бажаришга интилмоқда.

— Мен бошлиқ бригадада ўн беш киши: токарлар, фрезерчилар, слесарлар меҳнат қилишади. Кўп йил бирга ишлаганлигимиз учун бир-биримизни яхши тушунамиз. Уюшқоқлик, ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини изланиш ва улардан фойдаланиш бизга смена топшириқларини 125—130 процент бажариш имконини бераяпти.

Барча маҳсулотни — самолёт трубопроводларининг мураккаб деталларини коллектив биринчи тақдимдаёқ топшираяпти. 96 процент илғор маҳсулот заводнинг Сифат белгиси билан муҳрланган. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида бригадада меҳнат унумдорлиги 24 процентга, ўртача иш ҳақи эса 17 процентга ошди.

Барча бригадаларда бўлгани каби бизда ҳам касаба союз группаси ташкил этилган. Унга меҳнат ветерани В. Кистанов раҳбарлик қилади. Бригада совети, шу жумладан унинг актив аъзоси бўлган касаба союз ташкилотчиси тартиб ва интизом масаласига кенг ёндошади. Улар ишга кеч келишларни қайд этиш, тартиб бузувчиларни жазолаш билан чекланишмайди. Ўзаро ҳамжиҳатлик билан биз ҳар бир ишчи бутун смена давомида ўзига топширилган иш билан шуғулланишига эришаяпмиз. Бунинг учун эса смена топшириғи аниқ бўлиши, ана шу топшириқни бажариш учун барча нарсалар: асбоб-ускуналар, ҳозирланган бўлиши керак.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг йўлларидан бири янги техникани жорий этишдир. Ҳеч муболағасиз Тошкент авиация бирлашмасини бу соҳада республиканинг ва умуман тармоқнинг илғор корхоналаридан бири деса бўлади. Жумладан, мен ишлаётган цехнинг ўзида ўн биринчи беш йиллик мобайнида рақамли программа билан бошқариладиган фрезерлик ва токарлик дастгоҳлари ўрнатилди. Ана шу дастгоҳларда цех маҳсулотининг қарийб 50 проценти юксак сифат билан тайёрланади.

Замонавий дастгоҳлар ўзлаштирилган ҳозирги кунда олдимизда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш вазифаси турибди. Афсуски, операторлар етишмаслиги туфайли айрим дастгоҳлар бекор турибди. Уларни ишга туширишнинг ягона йўли кўп станокчилик ҳаракатини жорий этишдир. Чунки, программа ва кесувчи асбоблар пухта тайёрланган бўлса ҳар бир оператор 2, 3 ва ундан кўп дастгоҳга хизмат кўрсата олади.

Ҳар бир коллективда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервлари бор. Ишлаб чиқаришда нодир ва қимматбаҳо материаллардан фойдаланувчи биз, самолётсозлар учун иқтисод масаласи муҳим аҳамият касб этади. Мен партия комитетининг аъзоси сифатида бирлашма бўйича 1984 йилда 688 тонна қора ва рангли металлар, 5 миллион киловатт-соат электр энергия иқтисод қилинганлигини биламан. Бу қабул қилинган социалистик мажбуриятдагидан бирмунча кўп. Шунинг учун коллектив область партия комитети ва Тошкент область партия комитети ва Тошкент область касаба союзлари Советининг дипломи билан тақдирланди. Чкаловчилар 1985 йилда иқтисод қилинган хом ашё ва энергия ҳисобига бирлашманинг икки кун ишлашини таъминлашга қарор қилишган. Ана шу кунлардан бири ортда қолди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган шанбалик куни биз иқтисод қилинган хом ашё ва энергия ҳисобига ишладик. Умум жамғармасига биз иқтисод қилинган юзта кески, парма, фреза билан ҳисса қўшдик, топшириқни кам ишчи кучи билан бажариш ҳисобига талайгина иш ҳақи фонди тежаб қолинди.

Мана шу резервлар бизга юксак социалистик мажбуриятларни бажариш ва КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш имконини беради.

ТОШКЕНТ—ИВАНОВО: ҲАМДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

ДЎСТЛИК ЁДГОРЛИГИ АСРЛАР ОША ЯШАЙДИ...

«КПСС Иваново шаҳар комитети ва халқ депутатлари Иваново шаҳар Совети ижроия комитети Россияда биринчи халқ депутатлари Иваново-Вознесенск умумшаҳар Совети ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган ҳайкалтарошлик композициясини тайёрлашдаги қардошлик ёрдами кўрсатилгани учун сидқидилдан ташаккур изҳор этадилар.

Ишни ғоят қисқа муддатда юқори сифат билан бажарганликлари учун Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатининг бутун коллективига чуқур миннатдорчилигимизни етказишингизни сўраймиз.

Қадрли ўртоқлар, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишда сизга катта ижодий ютуқлар, бахт ва саодат тилаймиз».

Ушбу сатрлар тошкентликларнинг фаол иштирокида яратилган ва Иваново шаҳрида Талка дарёси соҳилида ўрнатилган ҳайкалтарошлик композицияси каби икки шаҳар — Тошкент ва Иваново дўстлиги солномасининг тарихига киради.

Анча вақтдан бери Тошкент ва Иваново тўқимачилари, икки шаҳарнинг кўлгина корхоналари ўртасида яқин ижодий алоқалар, мустаҳкам дўстлик илари боғланган. Мана энди ликда «Иваново—Вознесенск тўқимачилари» ҳайкалтарошлик ёдгорлиги ҳам дўстлигимиз ҳайкали бўлиб асрлар ошаяшайди. Ёдгорлик Тошкентда, бизнинг бадиий қуюв усталаримиз ёрдамида яратилди. Меъмор Е. Касаткин, ҳайкалтарош, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Л. Михайленок, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги эксперимент ал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатининг Г. Калинин ва А. Пастухов бошчилигидаги йиғувчилар бригадаларининг бадиий қуюв усталари уч фигурали «Иваново— Вознесенск тўқимачилари» композициясини яратиш устида биргаликда иш олиб борди, «меъёр ва гўзаллик монандлиги» шиорига амал қилишди. Бундай нафосат бирлиги чинакам ажойиб архитектура-ҳайкалтарошлик комплекси асарини яратишда уларга ёрдам берди.

Ушбу ҳайкалтарошлик композицияси билан биринчи Советнинг 80 йиллигига бағишланган «Красная Талка» меъморчилик комплекси қурилиши тугалланди.



Тошкентликларнинг фаол иштирокида яратилган комплекс Талка соҳилида қад ростлаганн бежиз эмас. Унинг ўнг соҳили Биринчи рус революцияси йилларида ўзига хос ишчи аудиторияси бўлган, бу ерда Советнинг мажлислари бўлиб ўтган, варақалар ва жўшқин нутқлар ёзилган прокламациялар тарқатилган, большевиклар — стачкаларнинг раҳбарлари нутқлар сўзлашган эди.

Шу ерда 1905 йил 28 майда Советларнинг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтган эди.

Тошкентликлар ёдгорлик очилиши пайтида энг қадрли меҳмонлар орасида бўлишди.

«Красная Талка» комплекси территориясига кирганверишда иккита кўрсатгич устун ўрнатилган бўлиб, гранитга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилибди:

Биринчи Советнинг
Буюк ҳақиқати ҳақи
Қасамёд қиламиз,
Зафарли кунларгача
Юракларда асраб
Элтмоқни
Ленининнинг
Оташин
Васиятларин.

Улуғвор меъморчилик ёдгорлигига олиб борувчи хиёбон ёқасида йигирма бюстдан иборат ҳайкаллар қўйилган: улар М. В. Фрунзе, И. П. Постишев, В. Е. Морозов, Ф. А. Афанасьев, М. П. Сарматова, Н. П. Грачев ва бошқа ленинчи революционерлар—Россиядаги биринчи умумшаҳар Советининг раҳбарлари бюстларидир. Бу ерга ўша унутилмас 1905 йилда Иваново —Вознесенск шаҳар партия ташкилотига раҳбарлик қилган, ялпи снёсий стачкага бошчилик қилган, Владимир Ильич Ленининг таърифи билан айтилганда, юксак снёсий етуклик кўрсатган, ишчиларни халқ депутатлари биринчи Советини тузишга уюштирган кишиларнинг портретлари қўйилган.

Комплекс қурилишида уч фигурали «Иваново — Вознесенск тўқимачилари» композицияси асосий ўрин эгаллади. Унинг яратилиши билан бутун меъморчилик комплекси қурилиши якунланди ва у бутун ансамблнинг таркибий ажралмас қисми бўлиб қолди.

Биринчи рус революцияси давридаги тўқимачиларни акс эттирган уч фигурали композиция бутун кўриниши, қиёфаси билан меҳнат кишилари революцион интилишининг тимсолидир.

Авторлар коллективи ҳайкални дарахтзорга жойлаштиришнинг нозик йўлини топишга эришди ва шундай қилиб, ҳайкалларнинг табиат билан узвийлигини таъминлашга муваффақ бўлинди.

«Красная Талка» комплексини яратиш бўйича ҳамкорликдаги иш пайтида Иваново ва Тошкент рассомлари ва архитекторлари ўртасида яқин ижодий ҳамкорлик, ижодий тажриба алмашув таркиб топди. Тошкентлик бадиий қуюв усталари, ўймакорлар юксак маҳоратларн ва касбларини пухта эгаллаганликлари учун таниқли совет ҳайкалтарошн Л. Л. Михайленок олқишига сазовор бўлдилар. Таниқли ҳайкалтарош тошкентлик қуюв усталари ва ўймакорлар билан келгусида ҳам ижодий алоқани узмаслик истагида эканлигини айтди.

***

СУРАТДА: «Иваново—Вознесенск тўқимачилари» монументи.

Монументни яратишда иштирок этган В. ПРОКОПЕНКО фотоси.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

8 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия-хўжалик активи республика мактабида навбатдаги машғулот бўлиб ўтди. СССР Педагогика фанлари академиясининг президенти М. И. Кондаков «КПССнинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги сиёсати. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш — ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг таркибий қисми» мавзуида лекция ўқиди.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг қарорларига мувофиқ умумий таълим ва ҳунар мактаби ҳамма жойда ислоҳ қилинаётганлиги, дейилди машғулотда, ёш авлоднинг меҳнат, ғоявий-сиёсий ва маънавий тарбиясини такомиллаштириш, уни мамлакат ишларига жалб этиш, партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қўйган вазифаларни амалга ошириш, коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжуманига тайёргарлик кўришнинг таъсирчан воситасидир.

Мактаб ислоҳотини амалга ошириш билан банд бўлган партия ва совет органлари, барча министрликлар ва идоралар таълим сифатини ошириш, унинг илмий дунёқараш, политехник асослари, машғулотларнинг амалий йўналтирилишини кучайтириш, таълим-тарбияни унумли меҳнат билан қўшиб олиб бориш, мактабнинг ишлаб чиқариш билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари кераклиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Вл. МАЯКОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОЖИКИСТОН ССР ДАВЛАТ РУС ДРАМА ТЕАТРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп миллатли совет театр санъатини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга актив кўмаклашган гастролларни муваффақиятли ўтказганлиги учун Вл. Маяковский номидаги Тожикистон ССР **давлат рус драма театри** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри. 1985 йил 8 июнь.

ЎЗБЕКИСТОНДА ГФР КУНЛАРИ

Ўзбекистонда бошланган ГФР кунлари Германия Федератив Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда янги қадам бўлади. ГФР кунларини ўтказиш учун ГФР билан СССР алоқаларига кўмаклашувчи Қуйи Саксония жамиятининг Қуйи Саксония ўлка ҳукумати фан ва санъат министри И. Т. Кассенс бошчилигидаги расмий делегацияси, шунингдек, жамият активларининг группалари, ГФРнинг СССРдаги элчихонаси вакиллари республикамизга келди.

Қуйи Саксония ўлкаси расмий делегациясининг аъзолари 8 июнь куни Парадлар хиёбонидаги номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйишди. Улар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида бўлишди. Республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди.

Ўзбекистон Архитекторлар союзининг виставка залида «Қуйи Саксония архитектураси» экспозицияси очилди. Экспозиция томошабинларни ўтмиш асрлардаги герман меморларининг машҳур асарлари билан ҳамда Федератив Республиканинг шимолий районларидаги ҳозирги қурилишлар билан таништиради.

«Баҳор» концерт залида Ўзбекистонда ўтказиладиган ГФР кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Сўзга чиққан нотиқлар ушбу маданият байрами программасига мувофиқ Ўзбекистон диёрида ўтказиладиган учрашувлар, кўргазмалар, концертлар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги ишонч ва ҳамжиҳатликни янада чуқурлаштиришга, тинчликни ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар. Сўнгра ГФРдан келган артистлар ҳамда Ўзбекистон санъат усталари иштирокида концерт қўйиб берилди.

Шу куни ГФР билан СССР алоқаларига кўмаклашувчи Қуйи Саксония жамияти активларининг группалари кўҳна Самарқанд ва Бухоронинг архитектура ёдгорликлари, шу шаҳарларнинг янги қурилиш районлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

«КОСМОС-1657» УЧИРИЛДИ

1985 йил 7 июнь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1657» учирилди.

Йўлдош ичига СССР халқ хўжалиги турли тармоқлари ва халқаро ҳамкорлик манфаатлари йўлида Ер табиий ресурсларини тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Олинаётган маълумотлар ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун давлат илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш маркази «Природа»га юборилмоқда.

(ТАСС).

Профессионал байрам шарафига

Ўзбекистоннинг енгил саноати магазинларга трикотаж ва кийим-кечак, газмол ва гилам, пойабзал ва чинни, хуллас, ўнлаб хил халқ истеъмоли молларини етказиб бермоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, уларнинг хилларини кўпайтириш — тармоқ меҳнаткашларининг биринчи навбатдаги вазифаларидир. Беш йилликда ип газлама, нотўқима газлама, шойи, пойабзал, трикотаж тайёрлаб чиқариш анча кўпайди. Лекин олдинда янада юксакроқ марралар турибди. Талабларни тўлароқ қондириш учун янги техникани жорий этишни тезлатиш, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорлари талаб қилаётганидек, меҳнат ва технология интизомига қаттиқ риоя этиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш зарур.

Тармоқ меҳнаткашларининг профессионал байрами — енгил саноат ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилишда шулар ҳақида гапирилди. Йиғилиш 8 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлиб ўтди. Унда пойтахт жамоатчилигининг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, меҳнат ветеранлари қатнашдилар. Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбонов доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

Комсомол-ёшлар саҳифаси

«Юксак ғоявий-ахлоқий фазилатлар, аввало коммунистик эътиқод, социал активлик, меҳнатсеварлик ва интизом, муштарак иш учун жавобгарлик, маданиятли бўлиш ва он-лага, коллективга, жамиятга нисбатан олижаноблик, қонунни ҳурмат қилиш, учраб турадиган қийинчиликларни бартараф қила билиш ривожланган социализм жамияти ёшларига хос хусусият бўлиб қолмоғи керак».

(КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қароридан).

● КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АПРЕЛЬ (1985 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! ● ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ВА МЕҲНАТ АКТИВЛИГИ ОШМОҚДА ● СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ САМАРАЛИ ТАЪСИРИ ● ОЛДИНГИ МАРРАЛАРГА ИНТИЛАЁТГАНЛАР.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

● СЪЕЗДОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ЗАРБДОР ИШЛАР КЎРИГИ

Коммунистлар анжуманини муносиб кутиб олиш иштиёқида 80 та комсомол-ёшлар коллективи ўзаро мусобақада фаоллик кўрсатмоқда. Кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумининг КПСС XXVII съездини чақириш тўғрисидаги қароридан илҳомланиб, ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Улар орасида 315 ишлаб чиқариш илғори эса ўн иккинчи жаҳон ёшлари ва студентларининг фестивали очиладиган кунгача ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини олдилар.

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Маҳфуза Худойбердиева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси мусобақада фидокорлик кўрсатиб келмоқда. Бригадирнинг ўзи ўн иккинчи жаҳон ёшлари ва студентларининг фестивали очиладиган кунгача 1987 йил планини бажариш учун курашмоқда.

Фестиваль рамзи туширилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга биринчи галда аҳамият бериляпти. Бунда кўпчилик корхоналарнинг ёшлари активлик кўрсатишяпти. «Узместпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёш конструкторлари фестиваль рамзи туширилган 18 хил буюм намунасини яратдилар. Унинг кўп қисми ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Фестиваль муносабати билан комсомол ва ёшлар ўртасида олиб борилаётган идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларнинг мазмуни янада актуаллашди. Масалан, ҳозир ниҳоясига етаётган комсомол сиёсий ўқуви системасидаги машғулотларда «Социалистик турмуш тарзи ва ёшлар», «Идеологик кураш ва ёшлар», «Халқаро ёшлар ҳаракатининг актуал масалалари» курсларида машғулотлар сони оширилди. Акмал Икромов районининг минтга яқин ёшлари ана шу курслар бўйича ўз билимларини бойитдилар.

Студент қурилиш отрядлари ишлари, мактаблар комсомолларда ва пионерларининг ўтказган барча тадбирларини санаб чиқиш қийин албатта.



Бу икки лобар дугона шонли партиямизнинг навбатдаги XXVII съезди шарафига ўзаро мусобақалашиб ишлаб, ажойиб меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқдалар. Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида улар кўпчиликка яхши таниш. Нигора Дадаева ва Саида Пирматова комсомол-ёшлар бригадасининг энг яхши аъзоларидир. Попоп цехида бу қўли гул чеварлар ўз ишига меҳр-муҳаббати, барча ишларни аъло сифатли қилиб адо этиши билан муносиб обрў-эътибор қозонишган. Улар ойлик нормаларини мунтазам 130—140 процентдан бажаришяпти.

СУРАТДА: съездолди мусобақасининг пешқадамлари, комсомол-ёшлар бригадасининг зарбдорлари Нигора Дадаева ва Саида Пирматовалар.

М. Нурриддинов фотоси.

● КОМСОМОЛ-ЁШЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

МАСЪУЛИЯТ РУҲИДА

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми ўртага қўйган вазифалар бирлашмамиздаги ёшларни янада масъулият билан ишлашга, ўз бурчини юксак даражада ҳис этишга даъват этмоқда.

Бугунги кунда Б. Абдураҳмонов, З. Гарипов, А. Ҳакимовлар комсомол етакчиси бўлган комсомол-ёшлар бригадалари олдинда бормоқда. А. Цинганков, С. Алиев, А. Чиликин, А. Бобожонов, Э. Мирқомилов, И. Поповалар бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаларининг коллективлари 1984 йил социалистик мусобақада ғолиб чиқишган эди. Улар ўтган йилги суръатни бу йил ҳам сақлаб қолдилар. Масалан, биринчи кварталда ҳам улар ғолиб деб топилдилар. Бу бригадаларнинг барчаси Тошкент шаҳар комсомол комитети, Ҳамза район комсомол комитети ва бирлашма комсомол комитетининг ёрдамлари билан тақдирландилар.

Пешқадамлар комсомол-ёшлар коллективларини янги зафарлар сари илҳомлантиришда л а р, КПСС XXVII съездига муносиб меҳнат совғаларни тайёрламоқдалар. Улар ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Беш йилликнинг ёш гвардиячиси» нишони билан тақдирландилар.

Шу кунларда ҳар бир йигит-қиз дақиқалар қадрига етиб ишлашга, аъло сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, коллективнинг умумий ютуғига қўшадиган ўз ҳиссасини янада кўпайтиришга интилмоқда.

О. РЕПИН,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитети секретарининг ўринбосари.

● Комсомолга—партиявий раҳбарлик

ТАШАББУСКОРЛИККА—МУҲИМ ЭЪТИБОР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 200 га яқин тикувчи-мотористкаси ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Уларнинг активлиги ва ташаббускорлигини оширишда бирлашма комсомол ташкилоти муносиб ёрдам бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида иш юритиб, ҳар бир комсомол аъзосининг ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топиша, касб маҳоратини эгаллашига муҳим эътиборни қаратяпти.

Бунда комсомол ташкилотлари ёрдамида йўлга қўйилган оралиқ алоқаларининг роли катта бўлмоқда. Техника билим юрти ва 21-ўрта мактаб ўқувчилари бу ерда меҳнат ва дам олиш кечаларини, ишчи касбларни дарсларини, очиқ эшиклар кунини ўтказадилар. Бундай тадбирларга корхонанинг ёш илғор ишчилари ҳам таклиф этилди. Тенгдошларининг маҳоратини суҳбатлари, улар билан ижодий алоқалар ўрнатиш ёшларни меҳнат ва ахлоқий руҳда тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Зотан, ёшларда ишчи касбига муҳаббат уйғотиш, цехларнинг комсомоллари учун шарафли ишга айланмоқда. «Ўз касбининг устаси» номини олиш учун цехларда ўтказилаётган мусобақалар бунга ёрдам бермоқда. Авваллари бундай мусобақалар умуман барча ишчилар учун ташкил этиларди. Эндиликда фақат ёш ишчилар учун ҳам «Ўз касбининг устаси» конкурслари ташкил этиляпти. Бу эса уларнинг тезроқ тажрибали ишчилар сафидан ўрин олишларига ёрдам бермоқда.

Маълумки, шахсий намуна кучининг аҳамияти каттадир. Масалан, бирлашмада 62 комсомол группаси ташкилотчиси бор. Шундан 43 нафари КПСС аъзоси ва КПСС аъзолигига кандидатлардан иборат. Ёшлар ҳар жиҳатдан уларга тенглашишга интиляпти.

Цехларнинг комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажаришга, ишлаб чиқариш характеридаги, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ёшларнинг дам олишини уюштириш каби масалаларга муҳим эътибор бермоқда, янги вазифаларни белгилаб олишмоқда. Ишлаб чиқаришнинг қийин участкалари ташаббускор ва активи ёшларга ишониб топширилмоқда. Цехларда сифат бўйича комсомол постлари ташкил этилди. Ҳўжалик ҳисоби асосида ишлаётган бригадаларда комсомол группалари бор. Бригада пудратини муваффақиятли жорий этишда комсомолларнинг ўз акалари—коммунистлар билан ёнма-ён иш олиб боратётгани яхши самаралар бермоқда.

Цех комсомол ташкилотларининг йигит ва қизларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялаш, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишдаги ролини кучайтиришга цех партия бюролари ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Энг аввало, комсомол-ёшларда топширилган иш учун юксак масъулият ҳиссини тарбиялашга эътиборни қаратмоқдалар. 2-цех коммунистлари ёшларга мураббийлик қилиш масаласига мунтасил эътибор бериб келмоқда. Бу ерда Ф. Полтаева, М. Тўлаганова, Л. Лучихина сингари кўплаб ветеранлар ёшларга касб сирларини ўргатмоқдалар. Шу кунларда улар устозлари билан ёнма-ён самарали меҳнат қилмоқдалар. Партия бюроси коммунист-мураббий л а р нинг ёшлар билан қандай иш олиб бораётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бормоқда.

Ветеранлар билан ёшлар ҳамкорликда иш олиб боришиб, устозлар ва шогирдлар биргаликда ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар қабул этишган. Уни бажариш учун актив иш олиб бормоқдалар. Бунда мусобақанинг ҳақиқий тарбиявий роли яққол намоён бўлмоқда. Шогирдлар мустақил ишлашга аввалгига нисбатан тезроқ ўтмоқдалар. Бу эса умуман цехда иш унумининг ўсишига самарали таъсир кўрсатяпти.

Цех комсомол-ёшлари коммунистларнинг ғамхўрлиги ва ёрдамини кун сайин ҳис этиб турибди. Айни пайтда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, уюшқоқликни ошириш борасида ёшларга талабчанлик бўшаштирилмаяпти.

С. МУСАХЎЖАЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

● ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ XII ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ИЖОДИМИЗ—ШОНЛИ САНАГА!

XII-МОСКВА-1985

Тошкент шаҳрининг 200 дан зиёд мактабларининг 7 минг ўқувчи ва пионер ёшлар ва студентларнинг Москвада бўладиган XII жаҳон фестивалига бағишлаб ўтказилган конкурсларда актив иштирок этишди. 11 та ярмарка ташкил этилди. Уларда болалар қўли билан тайёрланган 1622 та турли хил буюмлар сотилди. 500 сўмдан зиёдроқ маблағ фестиваль фондига ўтказилди.

Барча районларнинг пионерлар ва ўқувчилар уйи қатнашчилари концертлар қўйиб беришди. Акмал Икромов, Куйбишев, Киров, Ҳамза, Лепнин ва Фрунзе районларининг концерт программалари айниқса кўпчиликка маъқул бўлди. Фестиваль фондига маблағ ўтказган ва энг яхши ярмаркалар ташкил этган районлар орасида Куйбишев, Чилонзор, Акмал Икромов, Октябрь ва бошқа районларни эслатиш мумкин.

Сиёсий қўшиқлар конкурсида шаҳарнинг тўққизта районида вакиллари иштирок этишди. Совринли ўринлар қуйидаги районларга берилди. Биринчи ўрин — Чилонзор районига, иккинчи ўрин— Сергели район, учинчи ўрин эса Ленин районига берилди.

—Ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган XII жаҳон фестивалига тайёргарлик кўришда комсомол ташкилотларининг ўқувчи-ёшлар ва пионерлар ўртасида олиб бораётган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлари катта аҳамият касб этяпти, — дейди Чилонзор районидаги А. Қодирий номидаги 162-мактаб директори Зарифа Азизхонова,— улар фестивалнинг мақсад ва вазифаларини ҳар бир ўқувчи онгига ва қалбига сингдиришга, уларни коммунистик ғоявийлик, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашга муттасил эътиборни қаратмоқдалар. Дарвоқе, фестивалга тайёргарлик ўқувчи-ёшларнинг активлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Буни район бўйича ўтказилган олимпиадада мактаблардан 1300 дан зиёд, шаҳар олимпиадасида эса 100 га яқин ўқувчи иштирок этганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Бу олимпиадалар фақат уларнинг активлигини оширибгина қолмай, балки ўқувчиларнинг фанга муҳаббатини ошириш, предметларни чуқур ўрганишларига ҳам ёрдам бермоқда. Она тили, тарих, физика, химия, математика, география, биология, чет тили ва меҳнат таълими бўйича олимпиадалар ўтказилгани жуда қувончли бўлди. Бунда бизнинг мактабимиз билан биргаликда районимизнинг 101, 103, 173, 179, 184, 195, 200-мактабларнинг ўқувчилари актив иштирок этишди. Район олимпиадасида бизнинг мактабимиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллашгани мактаб педагогика коллективи учун ҳам, комсомол-ёшлар ва ўқувчилар учун ҳам ғоятда қувончли бўлди. Мактабимиз бадиий ҳаваскорлари райондаги барча мактаблар ҳамда пионер ва ўқувчилар уйлари коллективлари қатори «Санъат байрами» конкурсида қатнашишди. 14 та мактаб билан биргаликда, бизнинг мактабимиз бадиий ҳаваскорлари ҳам шаҳар «Санъат байрами» конкурсида қатнашиш ҳуқуқини олди. Ўқувчиларга фан асосларини пухта ўргатишда, уларда фанларга муҳаббат уйғотишда педагогларнинг катта ўрни ва роли бор, албатта. Масалан, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Азиз Фазлитдинов мана йигирма йилдирки, юқори синф ўқувчиларини фанга муҳаббат руҳида тарбиялаб келмоқда. Уни ҳақли равишда комсомол-ёшларнинг мураббийси ва меҳрибон тарбиячиси деб фахр билан айта оламиз. У мактаб комсомол ташкилоти ишига катта ёрдам бермоқда. Ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат уйғотишда, уларни ғоявий-сиёсий ва аҳлоқий руҳда тарбиялашда кўпгина самарали ишлар қилмоқда. У раҳбарлик қилган синфнинг собиқ ўқувчиларидан И. Толипов, Ш. Иноғомов, Р. Садриддинов сингари кўплаб ёшлар қурилиш майдонларида ишлаб чиқариш соҳаларида фаол иш олиб бормоқдалар. Мана бир неча йилдирки, бу ёшлар устози район бўйича ўтказиладиган «Ёш адабиётчи» олимпиадаси жюрисининг раиси бўлиб келмоқда. Мактабимиз бир қатор ўқувчиларининг шаҳар, республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларида медаллар, дипломлар ва ёрлиқлар билан тақдирланишида комсомол ташкилотларининг ана шундай тажрибали ва меҳрибон мураббийлар билан ҳамкорликда иш олиб бориши муҳим роль ўйнамоқда.

Дарвоқе, биргина Чилонзор районидаги 162-мактабгина эмас, балки шу райондаги 101, 103, Куйбишев районидаги 205, Октябрь районидаги 186-мактаблар ишлари ҳақида ҳам кўпгина илиқ сўзлар айтиш мумкин.

Ҳ. АБРОРОВ.

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

10 ИЮНЬ, 1985 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

● СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ДУНЁГА ДОНҒИ КЕТГАН ПЎЛАТ

БЕЛГРАД. Никшич шаҳридаги Б. Кидрич номли металлургия комбинатининг маҳсулоти Югославиядагина эмас, бошқа мамлакатларда ҳам машҳур. Комбинат мамлакатда сифатли пўлат ишлаб чиқарувчи энг катта корхонадир. У 250 ҳилдан кўп прокат тайёрлаб чиқармоқда.

Корхона дирекциясида ТАСС мухбирига айтишларича, Черногориядаги шу катта саноат объекти кейинги йилларда янгиланиб, унинг ишлаб чиқариш қувватлари анча кенгайтирилган. Ленинград «Гипромез» илмий тадқиқот институтининг ҳужжатларига кўра, янги цехлар қурилган, легирланган пўлат тайёрлайдиган замонавий машина-ускуналар монтаж қилинган. Ҳозир комбинат йилига 360 минг тонна металл ва 310 минг тонна товар маҳсулот бермоқда. Эндиликда мамлакат экономикасининг бирорта ҳам тармоғи комбинат маҳсулотларисиз ишлай олмайди.

МОНГОЛИЯ СЕЛЕКЦИОНЕРЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

УЛАН-БАТОР. Шу беш йилликда Монголия селекциячилари катта муваффақиятларга эришдилар. Олимлар 200 хилдан кўп мева ва резавор мева ўсимликлари навларини синаб кўрдилар. Шу синашлар чоғида ихтисослаштирилган хўжаликларда барпо этилган экин майдонларида етиштириш учун мева ва резавор меванинг энг яхши навларни танлаб олишди. Шарнигол шаҳрида мева резавор мевазорлар ёнида консерва заводи қурилмоқда. Завод йилига икки минг тоннадан кўп маҳсулотни қайта ишлайди.

Убсунур аймоғининг ўзидагина 5 минг гектар майдонда янги чакандазорлар барпо этилди. Унинг ёнида эса йилига 60 минг литр чаканда мойи тайёрлаб берадиган завод қурилмоқда.



НЕПАЛ. Мамлакат пойтахти— Катманду шаҳридаги совет китоблари магазини доимо харидорлар билан гавжум бўлади. Магазинда ишчиларни, хизматчиларни, мамлакат ёшларини учратиш мумкин. Йилдан-йилга совет адабиётига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Бу ерда совет маданиятига, фан ва техниканинг беқиёс ривожланишига катта эътибор билан қаралаётир. Непала жамоатчилиги совет китобларини кенг пропаганда қилишда катта иш олиб боришяпти.

СУРАТДА: совет китоблари магазинида.

Саводсиз Америка

САН-ФРАНЦИ С К О, Катта ёшдаги америкаликларнинг учдан бир қисми газета ва китобларни ўқий олмайди. Улар магазиндан нимани харид қилишни ҳам билмайдилар, чунки товарлар устидаги ёзувларни ўқий олмайдилар, харитага қараб йўл топиб кета олмайдилар. Ҳозирги Америкада 60 миллион киши амалда саводсиздир. Бу рақам ҳар йили икки миллион кишига кўпайиб бормоқда.

Америка китоб ноширлари уюшмасининг Сан-Францискода бўлиб ўтган миллий конференциясида ана шундай аянчли статистика маълумотлари айтиб ўтилди. «Илгари бизнинг бизнесимизга телевидение таҳдид қилмоқда, деб хавфсираган эди, — деди уюшма президенти Гейл Си.— Мутлақо бундай эмас. Америкада китоб нашр этиш учун энг асосий хавф аҳолининг саводсизлиги проблемаси бўлиб, бу проблема миллий фалокат тусини олмоқда».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, аҳолисининг саводлилиги даражаси жиҳатидан АҚШ Совет Иттифоқи, Ғарбий Европа давлатларидан, Яниядан жуда орқада қолиб кетган ва жаҳонда 49-ўринда туради, деб уқтиради «Саводсиз Америка» китобининг автори Ж. Коузол. Унинг сўзларига қараганда, аҳоли жон бошига чиқариладиган китоб сони жиҳатидан АҚШ жаҳонда 24-ўринда туради. Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади у, 25 миллион америкалик ўз билим даражаси жиҳатидан ўрта мактабдаги учинчи йил ўқитилганлар даражасига етган эмас ва 35 миллион киши 8-синф ўқувчиси даражасида билимга эга.

Америка китоб ноширлари, ёзувчилари ва китоб магазинлари эгаларининг учрашуви «китобхонлар жамияти сари, олға» деган шиор остида ташкил этилган эди, бироқ конференция қатнашчилари бу мақсадга амалда эришиб бўлмаслигини тан олишга мажбур бўлдилар. Улар ҳарбий бюджетни кўпайтиришни кўзлаб, маориф эҳтиёжлари учун маблағ ажратишни йилдан-йилга камайтираётган Рейган маъмуриятининг сиёсатини қаттиқ танқид қилдилар. Бу ҳатарли йўл, деб уқтиришди улар, маориф системасида ҳам тангликка олиб келди.

Шу муносабат билан маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, таълим сифати проблемаси айниқса кескин бўлиб қолмоқда. Маблағ мунтазам етишмаслигидан ва бунинг оқибатида ўқитувчилар етишмаётганлигидан қийналаётган кўпчилик ўрта мактаблар ўқувчиларга зарур билимни беришга қодир эмас. Иш шу даражага бориб етганки, мамлакатдаги олий ўқув юртларининг 65 процентида студентлар учун ўқиш ва ёзишни ўргатиш курслари бор.

ВАРШАВА МЕТРОСИ ҚУРИЛМОҚДА

ВАРШАВА. Совет Иттифоқининг ҳар томонлама ёрдами Варшава метроси қурилишида ҳал қилувчи омил бўлди, дедн бу ерда Польша пойтахтининг урушдан кейинги мана шу энг катта қурилиши бош директори Е. Бжосек. Бундан роппа-роса уч йил муқаддам иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, дедн у, Варшава метро қурувчилари СССРдан ҳар хил машина-ускуналарнинг юздан кўпроқ турини, шу жумладан кучли проходка шчитларини олдилар.

200 дан зиёд поляк мутахассиси Совет Иттифоқининг турли шаҳарларида тайёргарликдан ўтиб, етакчи совет метро қурувчиларининг бой тажрибасини ўргандн. Е. Бжосек метро қуришда поляк ҳамкасбларига ёрдам бераётган совет мутахассисларининг билим даражаси юксаклигини, шунингдек Польша-Совет иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигининг самарадорлигини таъкидладн. Ана шу ҳамкорлик туфайли варшаваликлар 1990 йилда янги қулай транспорт турига эга бўладилар.

СУВ ОСТИДАГИ ХАЗИНА

Америкалик хазина қидирувчиларининг кўп йиллик машаққатли изланишлари кулиб боқди. Улар Мексика қўлтиғида 1622 йилда чўкиб кетган испан кемаларининг қолдиқларини топишди. Маълумотларга қараганда, кемада 27 тонна олтин ва қимматбаҳо буюмлар бўлиши керак. Дастлаб денгиз сув остида бутунлай йўқ бўлиб кетган кема қолдиқларидан бошқа нарса топилмади. Кейинроқ бир қатор топилмалар қўлга киритилди. Ниҳоят ғаввослар асосий бойлик чўкиб кетган жойни топишди. Фақат бир кун давомида экспедиция қатнашчилари 1 миллион доллар қимматга эга бўлган қимматбаҳо буюмлар топишди Қидирув ишлари давом этмоқда.

ЁШЛАР ТАШАББУСИ

Канададаги Илоҳий Лаврентий дарёси қирғоқлари бугунги кунда улкан ахлатхонани эслатади. Бу ердаги йирик саноат корхоналарининг чиқиндилари атроф-муҳитни ифлос қилмоқда. Мамлакатдаги 20 мингга яқин йигит ва қизлар шу йилнинг 13 июлдаги 3 августигача 1500 километр узунликдаги дарё қирғоғини чиқиндилардан тозалашга аҳд қилишди. Улар бу ташаббус билан фақатгина ёшларга дам олиш зонаси ташкил этиш билан бирга атроф-муҳитни ифлос қилмаслик масаласига кенг жамоатчилик диққатини қаратишмоқчи.

ИССИҚ ҲАВО—УЗОҚ УМРГА ДАВО

Хитойда аҳолини рўйхатга олиш даврида мамлакатдаги тропик ҳисобланган Хайнань оролида ўртача умр кўриш 73 ёшга тўғри келиши аниқланди. Бу мамлакат бўйича 5 ёш кўп эди. Оролда мамлакатнинг бошқа ерларига қарағанда юз ёшдан ошганлар кўпчилиқни ташкил қилар экан. Шуни айтиш керакки, орол аҳолиси актив турмуш кечиришади. Улар доимий жисмоний меҳнат билан шуғулланишади. Сабзавотларни аҳолн кўп истеъмол қилади. Ҳатто иссиқ ҳаво ҳам узоқ умр кўришга даво бўлмоқда.

ВАШИНГТОН. Ҳозирги Америка ҳукмрон доираларининг олиб бораётган агрессив сиёсатига қарши кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари Рейган маъмуриятининг қирғин урушларга тайёргарлик кўраётган сиёсатини қоралаб чиқишди. Айниқса Лотин Америкаси мамлакатларида ўтказилаётган агрессив ҳаракат митинг қатнашчилари томонидан қаттиқ қораланди.

СУРАТДА: намойиш қатнашчилари. Улар орасида Испаниядаги граждалар урушн даврида интернационал бригада составида жанг қилган собиқ ҳарбий хизматчилар ҳам бор.



БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг марксизм-ленинизм университети дирекцияси шуни маълум қиладики, марксизм-ленинизм университетида (Пушкин кўчаси, 17-уйда) дипломларни топширишга бағишланган битирувчиларнинг танаали йиғилишлари ўтказилади: идеология кадрлари факультети битирувчиларининг танаали йиғилиши (бўлимлар бўйича) 20, 21 июнь соат 18 да, партия-хўжалик активи факультетининг битирувчилари танаали йиғилиши эса (бўлимлар бўйича) 22 июнь соат 11 да ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

Адабиёт ва санъат

«Юксак партиявий ва давлат интизоми, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид, уюшқоқлик ва тартиб, ҳар ерда ва ҳар ишда камтарлик ва ишчанлик—республика ҳар бир меҳнаткашининг бузилмас ҳаётий принципи бўлиб қолмоғи керак...»

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

ИЛМИМИЗ ИСТИҚБОЛИ



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми республикамиз илмий жамоатчилиги олдига ҳам катта вазифалар қўйди. Бу вазифаларни шараф билан бажариш, социалистик жамиятимиз эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган илмий асарлар яратиш республикамиз илмий жамоатчилиги вакилларининг ижтимоий бурчига айланмоғи керак.

Мухбиримиз таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг директори, филология фанлари доктори, профессор Азиз Пўлатович ҚАЮМОВ билан учрашиб шу хусусда суҳбатлашди.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида республикамизда ижтимоий ҳаётни мусаффолаш, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш хусусида айтилган ҳаққоний гаплар илмий жамоатчиликка ҳам бевосита тегишлидир. Мен шу ўринда гуманитар соҳадаги фанларни кўзда тутган ҳолда, айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Аввало, айтиш кераки, адабиётшунослик, тилшунослик, таржимашунослик ва манбаашунослик соҳаларида ҳам янги бир босқич яратиш фурсати келди. Илмий тадқиқот ишларида чуқур илмийлик бош ўрин тутмоғи керак. Ҳар бир мутахассис ўз соҳаси бўйича янгилик бўлган материалларни илмий истифодага киритмоғи лозим.

Институтимизда ўзбек совет адабиётининг асосчиси, оташин шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қўлёзмалари ва ҳужжатларидан иборат архив сақланади. Унда шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини ёритувчи 2894 та қўлёзма ва ҳужжат йиғилган. Шулар орасида 152 та пьеса, шеър, нота ёзувлари, мақолалардан иборат қўлёзмалар, 201 та дастхатнавис ва 59 та бошқа ҳужжат бор. Демак, ҳаммаси бўлиб Ҳамза Ҳакимзода ўз қўли билан ёзган 412 та қўлёзма ва ҳужжат бор.

Ҳозир институтимиз илмий ходимлари Саидбек Ҳасанов, Раҳима Шарафуддинова, Сафо ва Тўхтамурод Зуфаровлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг аннотация қилинган илмий таърифини тайёрладилар. Ҳозирча 6 том каталог тузилди.

Каталог ичидаги ҳужжатлар шоир ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар беради. Бу эса ҳамзашуносликнинг янги палласи бошланганлигини билдиради. Мана шундай ишларни давом эттиришимиз керак.

— Демак, адабиётшунос олимларимиз, ушбу ҳужжатларни тўлиқ ўрганиб, шоир ижодини чуқур таҳлил этишларига имконият яратилди, дейиш мумкин экан-да?

—Шундай. Бироқ Платонни яхши кўраман-у, ҳақиқатни ундан ҳам яхшироқ кўраман, дейилганидек бир нарсани таъкидлаб ўтмоқ лозим. Гап шундаки, бу ҳужжатлар билан адабиётшунос олимларимиз ҳали тўла танишиб чиқмаганлар...

— Илмий иш деган иборани шарҳлаб берсангиз.

— Мен биринчи навбатда мутахассислар учун янгилик бўлган нарсани илмий иш дейман. Буни бошқача қилиб академизм дейилади. Яна бошқача қилиб айтганда эса, бу ҳам корхоналардаги сифатга эътиборнинг ўзгинаси. Ишчи брак маҳсулот ясаса, дарров кўзга ташланади. Лекин енгил-елпи ёзилиб, қалин муқовага ўраниб олган илмий иш, китобни ҳамма ҳам сезавермайди. Илмий иборалар жойида ишлатилиб, чоп этилиб, ҳеч кимга фойдаси тегмай чанг босиб ётган китобларни назарда тутаяпман. Хўш, нима учун шундай? Чунки уларда янгилик йўқ.

Шу муносабат билан бир воқеани айтиб бермоқчиман. 1951 йили шоир Маҳмурнинг Қўқон хони Олимхонни танқид қилиб битган шеъри ҳақида узундан-узун бир мақола ёздим. Шунда ўзимча билағонлик қилиб, Навоийнинг шу мавзуда ёзган шеъридан узун бир мисол келтирдим. Устозим, илмий раҳбарим А. А. Арендс мендан Навоий ҳақидаги сатрларни нечун мақолага киритдинг, деб сўраб қолди. Мен ўзимча тушунтирган бўлдим. Устозим буни ҳатто, мактаб ўқувчиси ҳам билади-ку деб қойиб берди. Кейин сен ўзинг топмаган ҳаммага маълум нарсани илмий ишга киритмагин, деб ўша жойларини ўчириб ташлади.

Бу мен учун бир умрга етарли сабоқ эди.

Илмий ходим кичкина нарсалардан катта хулоса қилмаслиги керак, — дер эди у киши. Катта хулосалар учун жуда катта факт, изланиш, таҳлил лозим.

— Илмий ходимнинг маънавий қиёфаси хусусидаги фикрларингизни айтсангиз.

— Буюк алломалар ким ўзини олимман деса, бу жоҳиллигининг нишонасидур, дейишган.

Алишер Навоийнинг шундай ажойиб сўзлари бор:

Олимки писандадур ҳисоли
билғил,
Ҳилмин тан аро руҳ мисоли
билғил.
Олимда эрур ҳилм хаёли билғил,
Чун ҳилм эрур илм камоли
билғил.

Мазмуни: олим ниҳоятда хушфеъл, хушмуомала, меҳрибон ва ғамхўр бўлмоғи керак. Чунки ҳилмлик — илм камолидир.

Демак, илм кишиси маънавий қиёфаси, юриш-туриши билан ҳам ибрат бўлмоғи лозим.

Алишер Навоийнинг яна бир ҳикматли фикрини келтириш жоиз.

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар.
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлига бўлғай
далил.

«Жоҳ» бу ерда мансаб, мартаба, бойлик маъносида. Яъни, кимки илмни бойлик, обрў орттириш воситасига айлантирса, у ўзини ҳам, одамларни ҳам йўлдан оздиради. Агар олим мартаба, мол-давлат учун ўзини тубанликка уришдан тоймаса, унинг илми жаҳолатининг нишонасидир.

Баъзан матбуот саҳифаларида олий мактабларнинг айрим ўқитувчилари ўз мавқеини суиистеъмол қилиб, порахўрлик билан шуғулланганликлари айтилади. Ёки илм кишилари ўз шогирдларидан турли-туман совға-саломлар олиши ҳоллари учрайди. Буларнинг ҳаммаси илмий ходим шаънига доғ туширувчи ўта жирканч кўринишлардир. Бундай тубан ҳолатларни таг-томири билан йўқотиш учун кескин ва муросасиз муҳит яратиш лозим...

— Илмимиз истиқболи — ворислар ҳақида фикрингизни билишни истардик.

— Устозларимиздан бирининг шундай ибратли гапи бор. Чунончи, ҳар бир илмий тадқиқот институтлари ходимларининг учдан икки қисми ёшлардан иборат бўлмоғи шарт дейилган. Чунки ҳар бир соҳанинг келажаги ана шу қобилиятли ёшлар қўлида. Афсуски, ҳозирги кўпчилик илмий муассасаларда бундай ҳолни кўрмаймиз. Бинобарин, ҳар бир илм кишиси ёшлар орасидан лаёқатли йигит-қизларни топиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб ёрдамлашишни ўз бурчи деб билмоғи зарур.

Бир мисол келтирсам. 1974 йилда мен Тошкент Давлат маданият институтида ишлардим. Бир куни ТошДУ ўқитувчиси Миразиз Миртожиев ҳузуримга бир йигитчани бошлаб келиб қолдилар. Илмга ғоят кучли лаёқати бор деб таърифлаб, ишга жойлашга ёрдам беришимизни сўрадилар. Хуллас биз ёш дўстимизни ишга олдик ва у ишончимизни тўла оқлади. Тез орада ўзбек филологияси соҳасида кўп янги илмий-тадқиқот ишларини амалга оширди. 1979 йилда филология фанлари кандидати, 1984 йилда эса доктори унвони учун диссертация ёқлади. Ҳозир у 33 ёшда.

Бу билан нима демоқчиман! Илмимиз истиқболи порлоқ. Бизда илмга лаёқатли ёшлар озмунча эмас. Фақат биз бунга жиддий эътибор беришимиз, уларни сафимизга кўпроқ тортишимиз керак.

Шу ўринда институтимизда ҳар йили ўтказиладиган илмий конференция бизга катта ёрдам бермоқда. В. И. Ленин 1920 йили Россия коммунистик ёшлар союзи III съездида сўзлаган нутқининг йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий конференцияларимиз туфайли биз сўғд, турк ва эски уйғур тилларини мукаммал биладиган ёшларни сафимизга тортдик. Бу энди ворислар билан ишлашнинг ўзига хос бир методи бўлиб қолди.

Айни замонда ёш илмий ходимни ҳақиқий совет граждани қилиб тарбиялашга ҳам жиддий эътибор бериш лозим. Агар илм кишисида гражданлик туйғуси камолга етмаган бўлса, у ҳолда ундан жамиятга наф тегиши маҳол.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларида билдирилган партия режалари бизнинг олдимизга ҳам илмий ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш, ҳам ихтисос бўйича, ҳам ижтимоий фаолликни кучайтиришдан иборат вазифалар қўйди. Биз бу вазифаларни талаб даражасида бажаришни ўз ижтимоий бурчимиз деб биламиз.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● **БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР СОВҒАСИ.**

Хельсинки муниципалитети Финляндия пойтахтида «Жаҳонга—тинчлик» деб аталувчи ёдгорликни ўрнатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Бу ёдгорлик биродарлашган шаҳарга Москванинг совғасидир. У РСФСР халқ рассоми О. С. Кирюкин томонидан яратилган бўлиб, ёдгорлик Фин кўрфази соҳилларидаги Каллио ишчилар районида қад кўтаради. Ўз навбатида бизнинг пойтахтимизда ҳам ҳайкалтарош А. Неувонен томонидан яратилган ҳайкал ўрнатилади.

● **ИСКАНДАРИЯ МЕТРОСИ**

Ҳозирги вақтда аҳолиси 3 миллион кишидан ошиб кетган Искандария Миср Араб Республикасининг Қоҳирадан кейин ерости метрополитенига эга иккинчи шаҳри бўлади. «Журнал д Эжипт» газетасининг хабар беришича, Искандариянинг муниципал маъмурлари ҳозирги пайтда метро лойиҳасини яратиш устида бош қотирмоқдалар. Искандария метроси Ўрта Ер денгизи соҳиллари бўйлаб ўнларча километрга чўзилиб кетган шаҳар чеккаларига пассажирларни элтиб қўйиш масаласини бир мунча енгиллаштиради. Метронинг дастлабки узунлиги 35 километр масофани эгаллайди. Унинг қурилишини 10 йил ичида тугаллаш кўзда тутилган.

● **ПАРАШЮТДАН ТАШЛАГАН БИРИНЧИ АЁЛ**

Зимбабве миллий армиясининг 23 ёшли ҳарбий хизматчиси Мэри Ньямбера мамлакат тарихида биринчи парашютдан ташлаган аёл бўлди. Ҳарбий кўрикда у ўзининг 13-парашютдан сакрашини намойиш этиб, ҳарбий-десант бўлинмаси составига кириш ҳуқуқини берадиган нормани бажарди. М. Ньямбера Зимбабве озодлик кучларининг собиқ жангчисидир. Мустақиллик учун кураш олиб борилган йилларда ҳам у ўзининг жасурлиги ва топқирлиги билан ажралиб турарди. Худди ана шу хислатлар унга ёш Африка давлатининг биринчи парашютчиси рўйхатини очиш имконини берди. Менинг бу қадамим, деб таъкидлади у, — янги Зимбабведа аёллар учун катта имкониятлар очилаётганининг ёрқин гувоҳидир.

● **«ЖОНЛИ КОМПЬЮТЕР»**

Ҳинд Ш. Махедени «жонли компьютер» деб аташади. Ёшлигидан у оғзаки ҳисоб билан шуғулланиб кишини лол қолдирадиган натижаларга эришди. Яқинда ҳинд мутахассислари уни яна бир бор синовдан ўтказдилар. 3 соату 39 минут мобайнида унга 31 минг 811 та сонни ўқиб бердилар. Ш. Махеде бу сонларни шатирлатиб қоғозга ёзиб ташлади. Бу янги жаҳон рекордидир. Бундан авалги рекордчи 28 мингдан сал кўпроқ сонларни эслаб қололган эди.

● **ЎҒИРЛАНГАН... КЎТАРМА КРАНЛАР**

Британиянинг 540 та қурилиш фирмаларини бирлаштирувчи инглиз қурувчилар федерацияси Буюк Британия ички ишлар министрлигига мурожаат қилиб, федерация аъзоларини ўғрилар тўдасидан ҳимоя қилиш бўйича зудлик билан чоралар кўришни талаб этди. Фирманинг бунчалик безовта бўлаётганининг сабаби бор, албатта. Ахир куппа-кундуз куни қурилишдан компрессорлар, генераторлар, юк машиналари ва ҳатто кўтарма кранлар ва экскаваторлар ғойиб бўлаётгани дан кейин ташвишланмай бўладими! Ўғирланган синдикатлар Жанубий Африка Республикасида реализация қилинмоқда.

● **ЖАҲОНДАГИ ПОЧТАЛАР**

Швейцариянинг Берн шаҳрида жойлашган Жаҳон почта союзи эълон қилган маълумотларга қараганда ҳозирги пайтда дунёда 640 мингта почталар мавжуд экан. Бу почталар ҳар йили 164 миллиарддан ортиқ бўлган хат ва открикталарни, 160 миллиарддан зиёд матбаа нашрларини эгаларига етказиб берадн. Жаҳон почта союзи 110 йилдан бери мавжуд бўлиб, унга 160 та давлат аъзодир.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ



ПУШКИН ВА ТОШКЕНТ

ФОТОРЕПОРТАЖ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи биноси ёнидан ўтган кишининг кўзи бино пештоқига мармар тошга ўйиб ёзилган сўзларга тушади: «Улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан 1899 йили бу кўчага унинг номи берилди».

Пушкин номли кўча. У Тошкентнинг серқатнов ва кўркам кўчаларидан биридир. «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Тошкент давлат консерваторияси, марксизм-ленинизм университети ва бир қанча муассасалар шу кўчада жойлашган.

Метронинг Пушкин станциясида чиқилгач, Пушкин хиёбони бор. Хиёбонда кишилар маданий ҳордиқ чиқариш имкониятига эга. Шу жойда Пушкин номли ёзги кинотеатр мавжуд.

1974 йили машҳур ҳайкалтарош М. К. Аникушин томонидан ясалган Пушкиннинг ҳайкали шу хиёбонга ўрнатилди. Хиёбонда айниқса шу кунларда одамлар арнмайди. Кимдир ҳайкал пойига гуллар қўяётган, кимдир фарзандига ҳайкални кўрсатиб нималарнидир тушунтираётган...

А. Навоий кўчасидаги шеърият хиёбонида 1968 йили ҳайкалтарошлар Д. Б. Рябичев ва К. Салоҳитдинов томонидан яратилган буюк ёзувчилар — М. Горький, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Қодирий, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, Ойбек, Лутфий, Бобур, Нодира, Муқимий, Фурқатлар билан бир қаторда Александр Сергеевич Пушкиннинг ҳам бюсти бор. Бу ўзбек халқининг шоирга билдирган эъзозидир.

Айниқса, Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи ҳамиша гавжум. У ерда кишиларнинг маданий дам олишлари учун шарт-шароитлар муҳайё.

Ўзбекистон пойтахти аҳли шоирнинг номини абадийлаштириш борасида бир қанча ишларни амалга оширган. Шуни таъкидлаш лозимки, шоирнинг авало номи дилларимизда барҳаётдир. У қолдирган адабий мерос биз учун катта, туганмас маданий бойликдир.

***







СРАТЛАРДА: 1. Тошкентда буюк рус шоирига ўрнатилган ҳайкал. Унинг жойи бетимсол шеърият соҳиби бир пайтлар орзу қилганидек ҳамиша гулга тўла, одамлар билан гавжум;
2. Метронинг А. С. Пушкин номли бекати шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида жойлашган. У алоҳида маҳорат ва нафосат билан безатилган: мармар лавҳаларда барҳаёт шоир яратган дунёга машҳур асарлар нафси уфуриб турибди;
3. Шаҳримиздаги энг кўҳна оромгоҳлардан бири шоир номи билан аталади. У ҳамиша гавжум ва серфайз, сўлим ва озода. Оромгоҳ Тошкент комсомоллари ташаббуси билан қурилган ва йил сайин чирой очиб келмоқда.

● ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

А. С. ПУШКИН

ИЗҲОР

Мен сизни севаман, — ғазаблансам ҳам,
Бу ишим, андишам гар эрур бекор,
Шўрлик бир телбадек қуйиб ёнсам ҳам,
Тиз чўкиб севгимга бўламан иқрор!
Лойиқмас ёшимга ва шахсимга, рост....
Ҳушимни йиғмоқлик пайти чамамда!
Аммоки сезаман кучли, бекиёс
Ишқ дарди ҳокимдир қалбим, танамда:
Сизсиз зерикаман — босади мудроқ;
Сиз билан хомушман — чидайман беун.
«Севаман фариштам», дегум бор, бироқ, —
Етмайди мажолим, забоним забун.
Наригн хонадан гоҳида бехос
Эшитсам шаҳдингиз, кўйлак шарпасин,
Ёки қизларга хос маъсум овоз,
Ақлу ҳуш учару, чиқмас нафасим,
Сиз кулиб қўйсангиз — менга тантана,
Сал нари кетсангиз — ўртайди қайғу.
Бир кунлик азобим инъоми — мана —
Рангпар қўлларингиз, зўр мукофот шу.
Ажиб иштиёқла чамбарак узра
Бепарво бош эгиб о, сирли муза!
Ўтирар экансиз чашмингиз қадаб —
Мен мафтун, лол бўлиб, кўзимни суза
Сизга термуламан гўдакдек қараб.
Бахтсиз эканимни айтайинми — ё?
Сўзлайми ё рашкли дардларим бир-бир
Узоқроқ сайилга баъзида танҳо
Отланар экансиз ёққанда ёмғир?
Ўзингиз кўз ёши қилганингиз ҳам,
Кимгадир чеккада сирли гапингиз,
Фортепьяно тинглаб ўтган ул оқшом,
Ҳам Опочка бўйлаб сайр этганингиз.
Алина, раҳмингиз келсин росмана,
Мен сиздан қилмайман муҳаббат талаб.
Балки қилган шунча гуноҳлар сабаб,
Фариштам, севишга арзимасманам
Сиз ёлғондан севинг! Чунки бу қараш
Ҳар нени ифода этишга моҳир!
Оҳ, қийин иш эмас, мени бир алдаш,
Ўзим алданишга розиман охир!

Муслим ЙЎЛДОШЕВ таржимаси.

***

Жанглар маълум — хуш кўраман қиличлар
сасин,
Аскарий шон-шуҳратларга ихлосим баланд.
Қонли жанглар жаранггоси кўнглим
айлар банд,
Ўлим ҳақда ўйларга гоҳ келар ҳавасим.
Эркнинг содиқ алп жангчиси мардона босиб
Гар ўлимга келолмаган эрса рўбарў,
Шодмонликнинг том маъносин англамабди у,
У дилдорлар бўсасига эмас муносиб!

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ИЛЛАТ

БАХТИНГГА ЗАВОЛ БЎЛМА...

...Бу галги суҳбатимиз қовушмади. Хат мазмуни билан танишгач, аёл юзини тескари буриб олди. Унинг кув ўчган башарасида қаҳр-ғазаб ҳукмрон эди. У хаёлан қалтираб қаҳрини кимларгадир сочарди.

— Мен ичган бўлсам, ўз пулимга ичганман, — деди у узоқ сукунатдан сўнг, — қолаверса, ҳеч кимдан кам жойим йўқ. Ҳозиргача ҳеч кимнинг кўнглини хира қилганим йўқ. Ҳаммаси бўҳтон, кўришолмайди улар мени. Яхши яшашимга ҳасадлари келади.

Кошки эди, шундай бўлса?! Биз ногаҳон бу хонадонга келиб қолганимиз учун уй эгасидан кечирим сўрашга ҳам тайёр эдик! Ҳозирги кунда ҳаётимизда ҳавас қилса арзийдиган, ўрнак олса бўладиган бахтли оилалар кам, деб ўйлайсизми? Ҳамма нарса тўкин-сочинли шу кунларда тинч-тотув яшашга нима етсин?! Бир-бирлари билан ширин муомалада бўлаётган одамларни ҳурмат билан тилга оламиз. Аммо ичиб, тунлари бақир-чақир қиладиган, қўшниларнинг ҳузур-ҳаловатини бузадиганлар кимга керак? Ҳамсуҳбатимиз эса ўз айбини бўйнига олгиси келмасди. Доимо бировнинг айби унинг ўзига туядек кўринарди.

— Фарзандларингизга бош-қош бўлсангиз, уларни тўғри йўлга солсангиз яхши эмасми? Ёшингиз ҳам бир ерга бориб қолибди, — деймиз ётиғи билан.

— Менга ақл ўргатманг, — яна унинг энсаси қотади. Гўёки, биз унинг зардасини қайнатиб юборгандек, — улар ҳам менга кўп ақл ўргатишган, — деб юқори қаватдагиларга ишора қилади, — мен уларнинг насиҳатларига зор эмасман.

Гап бефойда эканлигини билиш қийин эмас. Қанча гапирманг, барибир тушунмайди, аниқроғи тушунгиси келмайди. У ўзича ҳақ! Ҳар бир нарсани ўз қаричи билан ўлчайди.

«Қадимдан ён қўшни — жон қўшни», деган гап бор. Аммо бизнинг қўшнимиз бу нақлга тескари иш тутади, — деб ёзади юнусободлик М. Абдуллаева, — ёши бир жойга бориб қолган, ҳозир пенсияда, қизи ва тўрт невараси билан туради. Аммо энг даҳшатлиси — қизи билан вино ичиб, ҳақоратли сўзлар билан бақириб-чақиришади. Қўшниларни беобрў қилиб, уларни бир-бирига ёмонлайди. Шу қўшнимиз дастидан яқинда бир тинч хонадонда жанжал чиқди. Биз уни неча бор тартибга чақирганмиз, аммо ҳар сафар бизни беобрў қилади».

Ҳа, ҳаётимизда ичкилик ичувчилардан нолимаганлар бўлмаса керак. Ичкилик кулфат келтиришига мисоллар кўп. Кўпинча эркакларнинг ичкилик ичиши ташвишга солади бизни, аммо турмушимизда айрим хотин-қизларнинг ичкилик ичишини тасаввур қилиш қийин, албатта. Аёл кишининг ичиши жамиятимизга ёт бўлган энг ёмон иллатлардан биридир.

Биз аёлни ҳаётимиз гули, деб таърифлаган бир вақтда ундан спиртли ичимлик ҳиди келиши қанчалик даҳшатли эканлиги — даҳшатдир. Айниқса, уларнинг ичиб тўполон қилиши, қўни-қўшниларга озор бериши ҳеч кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Биз аёлни она, опа, турмуш ўртоғи, сингил сифатида ҳурмат қиламиз. Улардан келажак наслимизни кутамиз. Аёл зотини муқаддас билиб, уларга буюк инсон сифатида сажда қиламиз. Аммо баъзи ичувчи аёллар ана шу ҳаётимиз гуллари орасида курмак бўлиб, оилаларимизга фожиа келтираётганлигини ҳеч оқлаб бўлмайди.

«Яқинда касалхонадаги бир воқеа дилимда ёмон из қолдирди, — деб ҳикоя қилади оқшомхон Р. Ҳамдамова. — Бизнинг хонага беш-олти яшарли болани ётқизишди. Бемор болани кўриб ҳаммамизнинг раҳмимиз келиб кетди. У мажруҳ бўлиб туғилган экан. Даволашнинг ҳам вақти анча ўтиб кетибди. Ҳар куни қоронғи тушган, бемор болани кўргани бир аёл келади. У боланинг олдида жимгина ўтирганча, бошларини силаб-сийпалайди. Олиб келган нарсаларини қутичага қўяди. Болага кўрсатмаган ҳолда кўз ёшларини артиб, секингина чиқиб кетади. Кейинчалик хабар топсак, боланинг онаси оғир оёқ кезларида эри билан ичкилик ичиб, ўз ҳомиласига етарли эътибор бермаган экан. Бола мажруҳ туғилгач, эри ташлаб кетибди. Якка қолгач, яна аламидан кўпроқ ичибди. Боланинг яшаб кетишига кўзи етмабди. Аммо бола мажруҳлигича ўсаверибди. Охири сабри чидамай, врачларга мурожаат қилибди».

Бунга ўхшаш мудҳиш воқеалар ҳаётимизда онда-сонда бўлса-да учраб туради. Демак, бу ёшларимизга сабоқ бўлиши даркор. Айниқса, бўлажак оналар ақл билан иш тутишлари лозим. Бир дақиқалик кайф-сафо, завқ, деб ўз зурриётларига зарар келтираётганликларини ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Биз ҳаётимиздаги кўз илғамас воқеаларга кўпинча бефарқ бўламиз. Айрим нопок кўринишларни ўткинчи, деб биламиз. Кейинчалик, катта хатога йўл қўйганлигимизни афсуски, жуда кеч англаб қоламиз. Ваҳоланки, ҳар биримиз ўз хатти-ҳаракатимиз, юриш-туришимизга ҳисоб бериб борсак ёмон бўлмасди, албатта, бу билан виждон бурчимизни адо этардик.

«Ҳар куни ишдан сўнг Инқилоб хиёбонидан ўтар эканман, бу ердаги ёзги кафеларда чақчақлашиб ўтирган қувноқ йигит ва қизларни кўриб, уларга ҳавас қиламан, — дея ҳикоя қилади газетхон Р. Юсупов, — уларнинг ҳаётдаги энг гўзал даври қувноқ ўтишига тилакдошман. Аммо музқаймоқ, ёқимли ичимликлар ёнида спиртли ичимликлар турганлигини кўрганимда ҳушёр тортаман, албатта. Ёшларимиз олдидаги шампан виноларини кўриб, уларни огоҳ бўлишга чақиргим келади. Улар ҳозирча бу ичимликларни завқ учун ичишаётгани маълум. Аммо у келтираётган зарарни йигит-қизларимиз бирон марта ўйлаб кўришганмикин? Бу билан улар ўз бахтларига болта уришаётганликларини билишармикин?!»

Газетхон ҳақ. Унинг ташвишларида жон бор. Биз ўз умримизга завол бўладиган ёт ҳаракатлардан бутунлай халос бўлишимиз керак. Социалистик турмушимизда ичкилик ичишга ҳеч ким мажбур қилинмайди. Шу боисдан ҳам партия ва ҳукуматимиз барча совет кишиларининг соғ-саломат, ақлий теран, жисмонан бақувват бўлиб турмуш кечириши учун барча шарт-шароитларни яратиб қўйибди. Меҳнат қобилиятини йўқотмаслик, социалистик жамиятимиз учун кўпроқ фойда келтиришга ҳар бир инсон қодир. Яқинда ичкиликбозликнинг олдини олиш бўйича белгиланган муҳим тадбирлар ҳам фикримиз далилидир. Бу тадбирлар олға ҳаракатимизга янада қанот бағишлаб, ҳушёрлик турмушимиз тарзи эканлигини яна бир бор исботлайди. Кимки бахтли бўлишни истаса, ҳаёт оғуси — ичкиликдан юз ўгирсин!

И. УСМОНОВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ТВ

ДУШАНБА

10 ИЮНЬ

● МТ I

15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар: «Эришкесда яшаймиз», «Бакеншиклар».
15.50 «Ғалабага қалбан ишониб». Совет адабиётида Улуғ Ватан уруши мавзуи.
16.40 «Большой театр солисти Леокадия Масленникова». Фильм-концерт.
17.35 «Португалия: тарих ва замонавийлик». Киноочерк.
18.05 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
18.45 «Ишлар ва одамлар». КПСС XXVII съезди олдидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Агар соғлом бўлай десанг». «Сузишни ўрганинг».
19.50 Н. В. Гоголь. «Ревизор». СССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Ревизор». Фильм-спектаклининг давоми.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.45 Футбол шарҳи.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 И. Егиков қўшиқларини И. Воронцова ижро этади.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеними, шошмай тур!» Мультфильм.
20.50 Ака-ука Знаменскийлар хотираси учун енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар.
21.30 «Время».
22.05 Россияда 1905—1907 йилларидаги революциянинг 80 йиллигига. «Голиблар авлоди». Бадиий фильм.

● УзТВ I

18.05 Янгиликлар.
18.20 «Усмир ва қонун» (рус.).
18.50 «Овқатланиш режими ҳақида». Врач маслаҳати.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Искра» (Смоленск). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 Й. Охунбобоев туғилган кунининг 100 йиллигига. «Йўлдош Охунбобоев». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари».
22.20 «Рақсларда санъаткор қалби». СССР халқ артисти М. Турғунбоевага бағишланади.
23.30 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Бурчаксиз уй». Телефильм.
18.25 «Қизиқарли математика».
18.55 «Тош камалак». Телефильм.
19.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат...»
19.40 «Ичкиликсиз яшаш учун». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Абитуриент-85». Химия.
20.50 «Шаҳар шовқинидан узоқда». Телефильм.
21.00 «Ўлка болалар аллергологияси ва патологиясининг актуал масалаларига бағишланган республика илмий конференцияси ҳамда болалар аллергологлари бош мутахассисларининг кенгаши» (рус.).
21.30 МТ II

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ҳаво тақсимлаш қурилмасининг 5 разрядли **аппаратчиси,** компрессор қурилмасининг 5 разрядли **машинисти,** кислород баллонларини ремонт қилувчи ва синаб кўрувчи 4 разрядли **слесарь,** 5 разрядли **электромонтёр,** кимёвий анализ **лаборанти,** кислород баллонларини **тўлгазувчи,** насос ва технологик асбоб-ускуналарни ремонт қилувчи 4 разрядли **слесарь-механик, фрезерчи-токарь, электр-газ пайвандчи** (6 разряд).

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

10 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА

«ПАХТАКОР» (Тошкент)— «ИСКРА» (Смоленск) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА! **Меҳнаткашларнинг илтимосига биноан «ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.**



ИХЧАМ НАРВОН

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИДА

ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ИИҒМА ЗИНАПОЯЧАЛИ НАРВОН ХОНАДОНЛАРДА ҲАР ҚАНДАЙ ҚИЙИНЧИЛИКСИЗ ЭНГ ЮҚОРИДАГИ ЖАВОНЛАРДАН КИТОБЛАРНИ ОЛИШДА, ЛАМПОЧКАЛАРНИ ҚЎЙИШДА, ҚАНДИЛЛАРНИ ОРАСТАЛАШДА, УЙНИНГ ШИПЛАРИНИ ОҚЛАШДА ЖУДА ҲАМ КЕРАК БЎЛАДИ.

БУ НАРВОН ЕНГИЛ, ИШОНЧЛИ, БЕЖИРИМ ҚИЛИБ ИШЛАНГАН. Баҳоси 12 сўм.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ.

КАСБ ЎРГАНИШ МАСКАНИ

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

5 ВА 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Битирувчиларга шаҳарнинг йирик савдо магазинларига ишга йўлланмалар берилади ва Совет савдоси техникумига ўқишга кириш учун имконият яратиб берилади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 10-квартал, 15-уй (20, 34, 50, 54, 70, 75, 79-автобуслар; 6, 11, 12, 13, 19-троллейбусларнинг «Шуҳрат» бекати: метронинг «Чилонзор» станцияси). Ўқув қисми телефони 76-39-54.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг ЎҚУВ ПУНКТИ

вентиляция ва ҳавони кондиционлаштириш ва вентиляция монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш слесарь-вентиляциячиларини тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 17 ЯРИМ ЁШДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН КИШИЛАР ИМТИҲОНЛАРСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: турар жойидан справка, соғлиқ тўғрисидаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, меҳнат дафтарчаси.

Паспорт ва ҳарбий билет (ёки ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисида гувоҳнома) **шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, 25-хона.

Тошкент шаҳар ижроия комитети Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг 2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

Троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Ҳар ойда 70 сўм стипендия берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар қийматининг 50 процентини тўлаган ҳолда формали кийим-бош, электр транспортида бепул юриш ҳуқуқи билан таъминланадилар.

Ёлғизларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви. Пионер кўчаси, 4-уй (4, 9, 11-трамвайлар; 2, 11, 16-троллейбуслар; 2, 3, 33, 34-э, 50, 54, 70, 77, 80-э, 94-э, 173-автобусларнинг «Пионер кўчаси» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ ВА «ТАШГОРОБУВЬРЕМБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Шахсий буюртмалар бўйича оёқ кийимлари тикувчи пойафзалчи.

Ўқиш муддати — 8 ой; **оёқ кийимларини ремонт қилувчи пойафзалчи.**

Ўқиш муддати —4 ой.

Стипендия — 30 сўм.

Ўқишга Тошкент шаҳрида пропискада турувчи 16 дан 30 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Машғулотлар группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, автобиография, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), отаонасининг иш жойидан справка, 3 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида). мактаб ёки иш жойидан характеристика.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: 700053, Тошкент шаҳри, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй. Ўқув комбинати (2, 16-трамвайларнинг, 19, 156-автобусларнинг «Узбексельмаш» бекати). Телефон 35-25-64.

Тошкент шаҳар, Фрунзе райони, Баранов кўчаси, 54-уй. «Ташгоробувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси (9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати).

Телефонлар: 56-02-83, 56-06-66.

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

1985—1986 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

Ҳунар-техника билим юртларига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТОКАРЬ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ (ОТК контролёри), ҚЎЛДА ИШ БАЖАРУВЧИ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ПРЕССЧИ-ШТАМПОВКАЧИ.

Ўқишга 8-10 синф маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

8-синф маълумотлилар 3 йил муддатли ўқишга қабул қилинадилар ва ўқишни тугатгач уларга ўрта ҳунар-техника билим юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом берилади. Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул иссиқ овқат, кўчалик ва иш кийим-бошлари билан таъминланадилар.

10-синф маълумотидаги ўқувчилар техника билим юртлари программаси асосида ўқитиладиган группаларга қабул қилинадилар ва улар қўлда иш бажарувчи электр пайвандчи, токарь, машинада контактли пайвандлаш пайвандчиси, прессчи-штамповкачи ихтисосларини эгаллаб чиқадилар. Ўқиш муддати — 6 ой ва 1 йил. 10-синф маълумотидаги ўқувчиларга ойига 72 сўм стипендия тўланади.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртини тамомлаб чиққан ёшлар қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи — «Ташсельмаш»га ишга юборилади. Ўқиш аълочиларига билим юртини тугатгач, мажбурий ишлаб бериш стажидан қатъий назар олий ўқув юртларига киришлари учун йўлланма берилади.

Билим юртида фан, техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик, фото тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, саломатлиги ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Машғулотлар — 8-синф маълумотидаги ўқувчилар учун 1 сентябрдан, 10-синф маълумотидаги ўқувчилар учун эса группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автобусларнинг «3-СПТУ» бекати; 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати).

28-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Пойафзал устки қисмини бичувчилар, пойафзал устки қисмини тайёрловчилар, пойафзал тикувчилар, тайёр пойафзалларни қабул қилиб олувчи-контролерлар, слесарь-ремонтчилар, электр монтёрлар, конструктор-модельерлар, якка буюртмалар бўйича моделли пойафзал тикувчилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ —6 ОЙ.

Билим юрти қошида кечки-ишчи ёшлар мактаби мавжуд.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Билим юрти пойафзалчилар саройига эга. Бу ерда ҳар хил ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлайди.

Билим юртида доимо бепул тикиш-бичиш курслари ишлаб туради. Бу курсларни тугатганларга гувоҳнома берилади.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6, 14-троллейбуслар; 11, 51, 172, 173-автобусларнинг «1-Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

23-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Трамвай вагонларининг учинчи класс ҳайдовчиси, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, контакт ва кабель тармоқлари ремонти ва улардан фойдаланиш электр монтери, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электромонтери, трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг электр асбоб-ускуналари ва радиоаппаратураларини ремонт қилувчи электромеханик, линия хизмати диспетчер-ревизори, ўқиш муддати — 5-6 ой;

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН КИШИЛАР, ШУНИНГДЕК 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга қабул қилинганларга 75 сўм стипендия тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

8-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:

тортиш подстанцияларининг диспетчери, трамвайлар ва троллейбусларни ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш механиги, трамвайлар ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппаратураларини ремонт қилувчи электромеханик, тортиш подстанцияларини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш электрсмеханиги, енгил автомобиллар, юк автомашиналари ва бошқа ихтисослашган машиналарни (давлат таъминотида турадн) ремонт қилувчи автослесарь. Ўқиш муддати —3 йил;

10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИЛАР УЧУН:

трамвай вагонларининг 3-класс ҳайдовчилари, троллейбус машиналарининг 3-класс ҳайдовчиси, тортиш подстанцияларининг диспетчери, тортиш подстанцияларини ремонт қилувчи ва улардан фойдаланувчи электромонтер, автослесарь, контакт ва кабель тармоғини ремонт қилувчи ва ундан фойдаланувчи электромонтер, линия хизмати диспетчер-ревизори (ойига 30 сўм стипендия тўланади). Ўқиш муддати—10 ой.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади ва шаҳар пропискасидан ўтказилади, улар Тошкент шаҳрида трамвай ва троллейбусларда бепул юрадилар.

Билим юрти қошида турли тўгараклар, ишчи-ёшлар мактаби фаолият кўрсатмоқда.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Красновосточний кўчаси, 3-«а» уй (1, 17-«з» автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 18-троллейбуснинг «Красновосточное» депоси» бекати). Телефон 62-34-57.

18-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

Токарь, ремонтчи-слесарь, электр газ пайвандчи, фрезерчи, программали бошқариладиган станокларнинг оператори, электр ускуналар ремонти бўйича электромонтер, механика-йиғув ишлари слесари, техника назорати бўлими контролёри, қўлда қолиплаш қолипловчиси.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 10 синф маълумотлилар учун — бир йил, 8-синф маълумотлилар учун — 3 йил.

Уч йиллик группаларга қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, формали кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Бир йиллик группаларга қабул қилинган ўрта маълумотлиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Қўлда қолиплаш қолипловчиси касби бўйича ўқийдиганларга эса ойига 90 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумот ва тегишли малака олганлиги тўғрисида диплом берилади. Имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан ва медицина (286-форма) справкалари, 6 дона фотосурат (3х4 см.), паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Қабул комиссияси якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Ш. Руставели кўчаси, 57-уй (2, 3, 50, 54-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 4, 7, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати). Телефонлар: 53-95-26, 53-95-23, 53-95-21.

29-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ: **бичиқчи** (чарм пойафзал ишлаб чиқаришида) **пойафзал устки қисмини тайёрловчи, шахсий буюртма асосида пойафзал тикувчи, ОТК контролёри, ремонтчи-слесарь, тикувчи-мотористка.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 синф маълумотидагилар учун — 2 йил, 10-синф маълумотидагилар учун 1 йилу 6 ой.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби ишлаб турибди.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртига 10-синф маълумоти билан кирган ўқувчиларга ойига 30 сўм стипендия берилади, 8-синф маълумотидаги ўқувчилар эса, давлат таъминотида бўладилар (улар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида турли тўгараклар фаолият кўрсатяпти.

Билим юртига қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти ва туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар, ўқиш жойидан характеристика, медицина справкаси (286-форма), яшаш турган жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Дўмбробод, Наққошлик кўчаси, 199-уй (7, 16-троллейбуслар; 173-автобуснинг **«Дўмбробод» бекати). Телефон 76-77-45.**

10-ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЭРКАКЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, ХОТИН-ҚИЗЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЕНГИЛ КЎЙЛАКЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, МУРАККАБ РЎЗҒОР ТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА (совутиш қурилмалари) **СЛЕСАРЬ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ФОТОГРАФ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ САРТАРОШ, ОШПАЗ, ҚАНДОЛАТЧИ.**

Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқиш муддати — 3 йил. Бу ихтисослар бўйича 8-синф ҳажмида маълумоти бор бўлганлар қабул қилинадилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЕНГИЛ КЎЙЛАКЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ САРТАРОШ (ўқиш муддати 1,5 йил); **КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ФОТОГРАФ, ОШПАЗ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ, ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКАСИ** (ўқиш муддати 1 йил).

Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқишга ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар ҳар куни 3 маҳал бепул овқат, ишчи кийими ва дам олиш кунлари учун мўлжалланган кийимлар билан таъминланадилар. Уларга ўқишни тугатганларидан сўнг ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган ихтисослари бўйича 5-разряд берилганлиги ҳақида диплом берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТ БИЛАН КИРГАНЛАР СТИПЕНДИЯ ВА КИЙИМ-БОШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматини ўтаб келганларга биринчи разрядли ишчининг меҳнат ҳақи ҳажмида стипендия тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, техника ижоди ва спорт секциялари ишлайди.

Кирувчилар билим юрти директори номига ёзилган ариза-га қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, отаси ёки онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 1/2-«Қорақамиш» массиви, 20-уй (42, 93-автобуслар; 10, 27-трамвайлар; 19, 56-маршрут таксиларининг «Мактаб» бекати, 7, 10-троллейбусларнинг «1/2-Қорақамиш массиви» бекати).

КИНО

10 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЛВАСА» — **Санъат саройи** (катта зал, 17, 19.45; телефон 44-21-34), **Чайка** (18, 21.00; телефон 77-06-20).

«МУДҲИШ САЁҲАТ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ОВСАР ИНСПЕКТОР» — **Ватан** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Москва** (тоқ соатларда), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-06), **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Нукус** (18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Искра** (18.30, 21.00, телефон 39-14-59), **Хива** (22.00).

«АФРИКАЛИК», «СЦЕНАРИЙЧИ» — **Қозоғистон** (17, 18, 20.00; 21.00, телефон 35-24-92).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«СЦЕНАРИЙЧИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — С. **Раҳимов номли** (18.30, 21.00).

«СКАПЕН НАЙРАНГЛАРИ» — **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

11 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЛВАСА» — **Санъат саройи** (катта зал, 11.45, 14, 17, 19.45, телефон 44-21-34), **Чайка** (18, 21.00, телефон 77-06-20).

«МУДҲИШ САЁҲАТ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ОВСАР ИНСПЕКТОР» — **Ватан** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Москва** (тоқ соатларда), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-35-06), **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Искра** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 39-14-59), **Хива** (22.00).

«АФРИКАЛИК», «СЦЕНАРИЙЧИ» — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«СЦЕНАРИЙЧИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — С. **Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«СКАПЕН НАЙРАНГЛАРИ» — **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

Ўзбекистон ССР Давлат страхование бош бошқармаси коллективи бухгалтер-ревизор М. Усмоновага онаси

Матлуба МАЖИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—09300. **Индекс 64690.** **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**